

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази**

**Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат
ихтисослаштирилган умумтаълим
муассасаларининг ўқув режалари асосида
2-синф учун Одобнома фанидан
0,5 соатга қисқартирилган**

Ўқув дастури

2014 йил

Тузувчи муаллифлар:

О.Хасанбоева, М.Иноятова – 2-синф Одобнома дарслиги муаллифлари.

З.Замонов –Республика таълим маркази

“Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирквчи
фанлар бош мутахассиси

УЎҚИТИРИШ ХАТИ

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанлар дастурларининг биринчи босқичида, бошланғич синфларда ўқитиладиган “Одобнома” фани ҳисобланади. Мазкур фан 1-4 синфлар кесимида ҳар бир синфда 34 соат ҳажмида ўқитилади.

2-синфда ҳам “Одобнома” фани 34 соат ҳажмида ўқитилади. Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг 2-синфлари учун Одобнома фанидан 34 соатлик ҳажмда берилган мавзулар қисқартирилиб, кичик мавзучалар асосий мавзулар ичига сингдириб юборилди ва 0,5 соатга қисқартирилди.

“Одобнома” фанининг мақсад ва вазифаси ёш авлод қалбига миллий ва умумбашарий қадриятлар асосидаги одоб-ахлоқ меъёрларини сингдиришдан иборат.

“Одобнома” дарслари ўқувчиларда миллий мафкурамизнинг асоси бўлган ахлоқ-одоб меъёрларининг дастлабки тушунчалари, умуминсоний қадриятларнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш ва уларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ушбу тушунчалар халқ оғзаки ижоди, ибратли ривоятлар, мақоллар, таниқли адибларнинг кичик ҳикоялари, шеърлари орқали шакллантирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида “Конституция алифбоси” курси “Одобнома” фани таркибига сингдириб ўқитилади.

Билим:

- Ўзбекистон – буюк алломалар юрти эканлигини билиш;
- Китоб ўқиш ва ундан фойдаланиш маданияти ҳақида билиш;
- Одоб саломдан бошланишини билиш;
- исроф ва тежамкорлик сўзларининг мазмунини билиш;
- оила кичик Ватан эканлигини билиш;
- дўстлик одобини билиш;
- одобли боланинг ҳатти-ҳаракатларини билиш;
- “саломлашиш – маданият” эканлигини билиш;
- меҳнатнинг турларини билиш;
- касб турларини фарқлай олиш;
- дам олиш, соғлиқни сақлаш, билим олиш ҳуқуқлари ҳақида билиш;
- Ватанимизда нишонланадиган миллий байрамлар ҳақида билиш;

Кўникма:

- одобли бола бўлишга ҳаракат қилиш;
- ўқув қуролларини саранжом сақлаш;
- ота-онасининг, катталарнинг меҳнатини қадрлаш;
- ўзидан кичикларга, ожизларга меҳр- мурувват кўрсата олиш;

- атроф-муҳитга ва ҳайвонларга оқилона муносабатда бўлиш;
- саломлашиш қоидаларига риоя қилиш;
- соғлигини сақлашга риоя қилиш;
- кун тартибини туза олиш;
- касб турларини бир-биридан ажрата олиш;
- ҳалоллик, тўғрилиқ тушунчаларни идрок этиш ва уларга риоя қилиш.

Малака:

- дарсликда берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ҳаракат қилиш;
- матнда берилган воқеаларга мустақил равишда муносабат билдира олиш;
- ўз фикрини эркин ифодалай олиш;
- одобли бўлишга шахсий намуна кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- ёлғончилик ва чақимчилик қилмаслик,
- ўзидан кичикларга ёрдам бериш.
- Яхши ва ёмон одатлар ҳақида кичик ҳикоя туза олиш;
- Яхши ўқиш ва наъмунали ҳулққа эга бўлишга ҳаракат қилиш.

**Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг
2-синфлари учун Одобнома фанидан 0,5 соатга қисқартирилган
ўқув дастурининг мавзулари**

1-Бўлим. Бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон

1-дарс: Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. (1 соат).

Бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон. Тошкент – Ўзбекистон пойтахти.
Конститутсиямиз – асосий қонунимиз.

2-дарс: Аждодлар мероси – фахр ва ифтихоримиз (1 соат).

Ўзбек халқининг маънавий бойлиги. Аждодларимиз қолдирган
маънавий мерос.

Юртимиздаги зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар.

Аждодлар меросини ўрганишда ривоят ва эртакларнинг ўрни

3-дарс: Ота-она – азиз ва мўтабар (1 соат).

Ватан оиладан бошланади. Ота-онага, оила аъзоларига бўлган ҳурмат
одоби. Ота-онани қадрлаш ва уларга ғамхўрлик қилиш.

Катталар меҳнاتини қадрлаш.

4-дарс: Ёзма иш (1 соат).

2-Бўлим. Одоб кишининг зебу зийнати

5-дарс: Сўзлашиш одоби (1 соат).

Одоб билан, ёқимли сўзлашиш, ширин сўзли бўлиш.

Ширин сўз – жон озиғи.

Сўз сеҳри. Телефонда гаплашиш одоби.

6-7-дарс: Яхши фазилят – инсонга зийнат (2 соат)

Сабр қилган етар муродга. Сабрли инсоннинг ишида унум
бўлиши. Сахийликнинг ҳикмати. Сахийлик – фазилят, хасислик – иллат.

Камтарлик.

8-дарс: Назорат иши (1 соат).

9-дарс: Меҳмондўстлик – яхши одат (1 соат)

Меҳмондўстлик, меҳмон кутиш, меҳмонга бориш ва кийиниш одоби.

Дастурхон безатиш одоби.

10-дарс: Дўстликни қадрланг (2 соат).

Дўстлашиш одоби.

Дўст танлаш ва танишув қоидалари.

Барча миллат ва элатлар дўст ва биродардирлар.

11-12-дарс: Тадбирли ва тартибли бўлинг (2 соат).

Жамоат жойида, кўчада, кино, театр, музей ва истироҳат боғида ўзини тутиш. Мулк ҳақида тушунчалар. Дам олиш, соғлиқни сақлаш, билим олиш ҳуқуқлари.

13-дарс: Ёзма иш (1 соат).

14-дарс: Соғлигинг – бойлигинг (1 соат).

Кун тартибига риоя қилишнинг ҳикмати.

15-дарс: Она табиат (1 соат).

16-дарс: Қувончли кунларни нишонлаш (1 соат).

Ватанимизда нишонланадиган миллий байрамлар. Урф-одатлар.

Оилавий тадбирлар, туғилган кун ва бошқа тантанали маросимлар.

17-дарс: Такрорлаш (1 соат).

**2-синф “Одобнома” фанидан 17 соатлик
ТАҚВИМ-МАВЗУ РЕЖА**

Т/р	Мавзулар	Соат
	2- синф	
	Бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон	
	1-чорак	4
1-дарс	Ўзбекистон – буюк алломалар юрти.	1
2-дарс	Аждодлар мероси – фахр ва ифтиҳоримиз	1
3-дарс	Ота-она – азиз ва мўтабар	1
4-дарс	Назорат иши	1
	2-чорак	4
	Одоб кишининг зебу зийнати	
5-дарс	Сўзлашиш одоби	1
6-7-дарс	Яхши фазилят – инсонга зийнат	2
8-дарс	Назорат иши	1

	3-чорак	5
9-дарс	Меҳмондўстлик – яхши одат	1
10-дарс	Дўстликни қадрланг	1
11-12- дарс	Тадбирли ва тартибли бўлинг	2
13-дарс	Назорат иши	
	4-чорак	4
14-дарс	Соғлигинг- бойлигинг	1
15-дарс	Она табиат	1
16-дарс	Қувончли кунларни нишонлаш	1
17-дарс	Такрорлаш	1
	Жами	17